

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛАДИГАН ЖИНОЯТЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ БЎЙИЧА ҲАЛҚАРО ВА КОНСТИТУЦИЯВИЙ НОРМАЛАР ТАҲЛИЛИ

Хушвақтов Ўткир Темирович

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси

мустақил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17484594>

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятлар профилактикаси соҳасидаги халқаро ва конституциявий нормалар таҳлил қилинган. Тадқиқотда Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция, халқаро протоколлар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Оила кодекси, Маъмурий ва Жиноят кодекслари, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги, “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги ва “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунлар илмий-амалий жиҳатдан ўрганилган. Шунингдек, АҚШ, Англия, Германия ва Франция каби ривожланган давлатлар тажрибаси билан таққослама таҳлил олиб борилган.

Таҳлил натижаларидан маълум бўлишича, миллий қонунчилик тизими болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва жиноятчиликнинг олдини олишга доир етарлича ҳуқуқий асос яратган бўлса-да, амалиётда идоралараро ҳамкорликнинг етарли даражада самара бермаслиги, профилактиканинг психологик ва ижтимоий йўналишлари етарли қамраб олинмагани кузатилган. Муаллиф томонидан профилактика фаолиятини рақамлаштириш, маҳалла ва таълим муассасалари ўртасида ягона ахборот тизимини яратиш, виктимологик таҳлилларни йўлга қўйиш, шунингдек вояга етмаганлар билан индивидуал ишлаш механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Мақоладаги хулосалар вояга етмаганлар жиноятчилигини олдини олиш тизимини такомиллаштириш, инсон ҳуқуқлари ва ижтимоий адолат принципларига асосланган миллий профилактика моделини яратишда амалий аҳамият касб этади.

Калит сўзлар: вояга етмаганлар жиноятчилиги, профилактика, халқаро ҳуқуқ, Конституция, бола ҳуқуқлари, ёшларга оид давлат сиёсати, назоратсизлик, ҳуқуқий таълим, оила, маҳалла, виктимология, ижтимоий муҳофаза, инсон ҳуқуқлари, ҳуқуқий маданият.

Мамлакатимизда вояга етмаганлар ҳуқуқ-эркинликларини таъминлаш, уларнинг қонуний манфаатларини муҳофаза этиш, энг асосийси, баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Вояга етмаганлар манфаатларини ҳимоя қилиш борасида мустаҳкам ҳуқуқий база яратилгани самарали ижтимоий ҳимоя тизимини жорий этиш ҳамда ёшларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлашда муҳим омил бўлмоқда. Айни пайтда мамлакатимиз аҳолисининг 40 фоизини вояга етмаганлар ташкил этади. Ушбу кўрсаткичнинг ўзиёқ масала нечоғли долзарб аҳамиятга эга эканидан дарак беради. Бу жараёнда ота-она, маҳалла-қўй, таълим муассасалари, умуман, кенг жамоатчилик зиммасига улкан масъулият юкланади.

Вояга етмаганлар жиноятчилигини олдини олиш масаласи ҳар бир давлат учун долзарб ижтимоий-ҳуқуқий муаммолардан бири ҳисобланади. Чунки мазкур тоифа шахслар ҳали тўлиқ ижтимоий шаклланмаган, психологик жиҳатдан барқарор бўлмаган ва атроф муҳит таъсирига кўпроқ мойил бўлади. Шу боис, вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг олдини олишда ҳуқуқий таъминлаш тизимининг мукамаллиги долзарб аҳамиятга эга.

Жамиятда қонун бузилиш ҳолатларини олдини олиш соҳасида, хусусан, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида профилактика фаолиятининг ҳуқуқий таъминлаш борасидаги янги давр Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги қонуни¹ қабул қилиниши билан бошланди десак муболаға бўлмайди. Қонуннинг мақсади вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Шу билан бирга, ривожланган хорижий давлатлар тажрибаси вояга етмаганларни ҳуқуқбузарлик содир этишини олдини олишга масъул бўлган шахслар, жумладан ота-оналарнинг масъулияти ва жамиятнинг назорати кучайтиришга қаратилган қонунчилик асосларини қабул қилинганлиги муҳим аҳамият касб этишини кўрсатади. Масалан, Америка Қўшма Штатларида агар ота-оналар 12 ёшга тўлмаган фарзандларини уйда ёки кўчада ёлғиз қолдирсалар, кўп ҳолларда қўшнилари ёки танишлар бу ҳақда махсус давлат идораларига дарҳол хабар беришади. Бундай ҳолатда ота-оналарга нисбатан катта миқдорда жарима ёки тарбиявий курсларда мажбурий иштирок этиш каби чоралар қўлланилади. Англияда 14 ёшга тўлмаган болани ёлғиз қолдириш жиноят ҳисобланади. Германияда эса 14 ёшга тўлмаган болани ҳатто 15 дақиқага ёлғиз қолдирганлик учун ҳам жавобгарлик белгиланган. Францияда эса ижтимоий хавфли ҳолатга тушиб қолган бола ҳақида тегишли органларга хабар бермаган фуқароларга нисбатан жиноий жавобгарлик назарда тутилган².

Юқоридаги таҳлилдан кўриниб турибдики, хорижий давлатларда вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва улар томонидан ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш жараёни қуйидаги жиҳатлар билан тавсифланади: а) мазкур масалалар қонун даражасида қатъий тартибга солинган; б) болаларни назоратсиз қолдириш ҳолатлари маъмурий ёки жиноий жавобгарликка сабаб бўлади; в) жамият аъзолари (қўшнилари, ўқитувчилар, шифокорлар ва бошқалар)нинг ҳам бола хавфсизлигини таъминлаш борасидаги масъулияти қонуний асосга эга.

Ўзбекистонда ҳам вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг ҳуқуқий асосларни мазкур соҳага оид: а) халқаро норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар; б) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари; в) Ўзбекистон Президентининг, Вазирлар Маҳкамасининг, вазирлик ва давлат қўмиталарининг,

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни. <https://lex.uz/docs/1685726>

² Медведева С .Н., Мельникова Е .В., К вопросу о профилактике правонарушений среди несовершеннолетних. Предупреждение преступности. общество и право. 2013. № 2 (44). Ст.129-130.

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ташкил этади³.

Биринчи таҳлил: Болалар ҳуқуқбузарликларининг олдини олишни тартибга солувчи халқаро норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига доир асосий халқаро ҳужжатлар билан бир қаторда, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция (1989 йил 20 ноябрь), Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга Қуролли можароларда иштирок этувчи болалар тўғрисидаги факультатив Протокол (2000 йил 25 май), Болалар савдоси, бола фоҳишабозлиги ва бола порнографиясига қарши бола ҳуқуқлари бўйича Конвенцияга қўшимча Протокол (2000 йил 25 май), БМТнинг Озодликдан маҳрум этилган балоғатга етмаган болаларни ҳимоя қилишга доир Қоидалари (1986 йил 21 май) ва бошқа ҳужжатларни киритиш мумкин. Ушбу халқаро ҳужжатларнинг аксарияти Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган ҳамда миллий қонунчилигимизни шакллантиришда улардаги асосий тамойил ва қоидалардан фойдаланилган. Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги ва “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунларни киритиш мумкин.

Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қабул қилинган халқаро конвенсияда: Конвенсиянинг 34-моддасида боладан шахвоний мақсадларда фойдаланиш ва шахвоний бузишнинг барча шаклларида, жумладан болани ҳар қандай ғайриқонуний равишдаги шахвоний фаолиятга тортиш ва мажбурлаш, болалардан фоҳишабозлик ёки ғайриқонуний равишдаги барча шахвоний мақсадларда фойдаланиш, болалардан порнография ва порнография материаллари тайёрлаш мақсадида фойдаланишдан ҳимоя қилиш бўйича давлатнинг мажбуриятлари белгиланган⁴.

Бола ҳуқуқларининг бузилиши жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўлиши мумкин. Жиноят кодексининг бир қатор моддаларида бола ҳуқуқларини бузганлик учун жавобгарлик кўзда тутилган. Масалан, яшаш ҳуқуқини бузганлик (ўлдириш) учун жавобгарликни кўзда тутган қуйидагилар моддаларни мисол сифатида келтириш мумкин: 97-модда (қасддан ўлдириш), 98- модда (кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш), 100– модда (онанинг ўз чақалоғини қасддан ўлдириш), 102-модда (эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш), 103-модда (ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш) ва бошқа моддалар⁵.

Ўзбекистон мазкур ҳужжатларни ратификация қилган ҳолда, улардаги асосий қоидаларни миллий қонунчиликка жорий этди. Хусусан, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги ҳамда “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонунлар болаларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш, вояга

³ А.Набиева. Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликлари ва уларнинг олдини олишнинг ҳуқуқий асослари. Мақола. <https://samarqand.adliya.uz/samarqand/uz/publikatsii/detail.php?ID=26170>.

⁴ БМТнинг “Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияси” (Convention on the Rights of the Child) 34-м. United Nations – Convention on the Rights of the Child (1989). <https://www.ohchr.org/en/instruments-mechanisms/instruments/convention-rights-child>

⁵ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. <https://www.lex.uz/acts/111453>.

етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларни соғлом муҳитда тарбиялашга қаратилган⁶.

Шу тариқа, халқаро ҳужжатлар Ўзбекистонда вояга етмаганлар жиноятларини профилактика қилишда меъёрий асос, инсонпарвар ёндашув, ва болалар манфаатларини устувор қўйиш тамойилини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Иккинчи таҳлил: Ўзбекистон Республикасида вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этилишининг олдини олиш тизими Конституцияда мустаҳкамланган инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигига таянади.

2023 йилги Конституциянинг 13-моддаси инсон кадр-қиммати ва ҳуқуқларини энг олий қадрият сифатида белгилайди. Бу норма вояга етмаганлар билан боғлиқ профилактикада гуманизм ва шахсни ҳурмат қилиш принципларини таъминлайди.

77-моддага кўра, давлат болаларнинг жисмоний, маънавий ва ахлоқий ривожланиши учун шароит яратиши шарт. Бу норма профилактиканинг ҳуқуқий асосини ташкил этиб, болани жиноят муҳитига тушишидан олдин ҳимоя қилишни назарда тутди.

78-моддада оиланинг жамиятнинг асосий бўғини сифатида муҳофаза қилиниши белгиланган. Бу қоида оилавий муҳитдаги тарбия, назорат ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш орқали жиноятчиликни олдини олишга хизмат қилади.

50-модда ҳар бир болага таълим олиш ҳуқуқини кафолатлайди. Таълим ва тарбия тизими орқали ҳуқуқий онг ва ижтимоий масъулиятни шакллантириш профилактиканинг муҳим йўналиши ҳисобланади.

27, 28 ва 80-моддалар болаларнинг дахлсизлиги, эркинлиги ва ҳуқуқлари бузилганда суд ҳимоясини таъминлайди. Бу вояга етмаганларга нисбатан қонуний ва адолатли муносабатни кафолатлайди⁷.

Конституция нормалари вояга етмаганлар жиноятчилигини олдини олишнинг асосий ҳуқуқий пойдеворини яратади. У инсон кадр-қиммати, бола ҳуқуқларининг ҳимояси, оиланинг қўллаб-қувватланиши, таълим кафолатлари ва адолатли муносабат принципларига таянади ҳамда миллий қонунчилик ва халқаро стандартлар учун умумий йўналиш вазифасини бажаради.

Шу тарзда ишлаб чиқилган таклифлар тизими болаларга нисбатан зўравонлик ҳолатларини аниқлаш, бартараф этиш ва профилактика чораларини самарали ташкил этишга хизмат қилади. Ушбу таклифларни амалга ошириш натижасида ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикасида инсон ҳуқуқлари тамойиллари ва ижтимоий адолат принципларига асосланган самарали миллий механизм шаклланиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, юқоридаги қонун-ҳужжатларини самарадорлигини ошириш ҳамда уни амалиётга тўғри йўналтирилган ҳолда татбиқ қилиш, шунингдек жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, тазйиқ ва зўравонликка доир мурасизлик муҳитини яратиш бўйича саъй-ҳаракатларни доимий равишда

⁶ Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 январдаги “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни. <https://www.lex.uz/acts/111453>; Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуни. <https://www.lex.uz/acts/111453>.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Янги Конституцияси. <https://lex.uz/docs/6445147>.

изчил амалга ошириш содир этилаётган зўравонликнинг камайишига олиб келиши аниқдир.

